

**“Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари” республика
кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
Н И З О М**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 11 майдаги 130-сон қарорига мувофиқ “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғарак раҳбарлари (бундан буён матнда тўғараклар раҳбарлари деб юритилади) ўртасида уч босқичли “Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари” кўрик-танловини (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Кўрик-танлов ҳар йили “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғарак раҳбарлари ўртасида республика миқёсида ўтказилади.

2. Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, “Хунарманд” уюшмаси, Тошкент Турин политехника университети билан ҳамкорликда ташкил этилади.

2-боб. Кўрик-танловнинг мақсади ва вазифалари

3. Кўрик-танловнинг мақсади “Баркамол авлод” болалар марказларида фаолият кўрсатаётган ҳамда илғор иш тажрибаларига эга бўлган тўғарак раҳбарларини аниқлаш, уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш ва оммалаштиришдан иборат.

4. Кўрик-танловнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчи-ёшларни тўғаракларга жалб қилиш ва уларга мактабдан ташқари таълим беришда тўғарак раҳбарларининг ижодий ташаббускорлиги ва изланишларини янада ошириш;

иктидорли, изланувчан ва тажрибали тўғарак раҳбарларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

3-боб. Кўрик-танловни ташкил этиш тартиби

5. Кўрик-танлов учта йўналишда (техник ижодиёт, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология) ташкил этилади.

6. Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади:

а) биринчи босқич (туман (шаҳар)) - тўғарак раҳбарлари иштирокида 15 сентябрь кунига қадар ўтказилади;

б) иккинчи босқич (худудий) - Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар миқёсида вилоят “Баркамол авлод” болалар марказларида 1 октябрь кунига қадар ўтказилади;

в) учинчи босқич (республика) - октябрь ойида республика ташкилий қўмитаси томонидан Наманган шаҳрида ўтказилади.

7. Кўрик-танловнинг туман (шаҳар) босқичида 1-ўринни эгаллаган 3 нафар тўғарак раҳбари иккинчи босқичда иштирок этиш ҳуқуқини, худудий босқичда 1-ўринни эгаллаган 3 нафар тўғарак раҳбари республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

8. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларида худудий ишчи гуруҳлар тузилади.

9. Кўрик-танловнинг:

биринчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари;

иккинчи босқични ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг буйруқлари билан амалга оширилади.

10. Кўрик-танловнинг биринчи босқичи якуний натижалари ва иккинчи босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган тўғарак раҳбарининг ҳужжатлари ҳамда Ҳакамлар ҳайъати йиғилиши қарори туман (шаҳар) ишчи гуруҳи томонидан 25 сентябрга қадар худудий ишчи гуруҳга тақдим этилади.

11. Кўрик-танловнинг иккинчи босқичи якуний натижалари ва учинчи босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган тўғарак раҳбарларининг қуйидаги ҳужжатлари худудий ишчи гуруҳи томонидан 10 октябрь кунига қадар Республика ташкилий қўмитасига тақдим этилади:

а) худудий босқич ҳакамлар ҳайъати қарорининг асл нусхаси;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиши учун йўллашмаси;

в) тўғарак раҳбарининг маълумотнома (объективка)си;

г) ушбу Низомнинг 17-банди “в”, “г” кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларни.

12. “Баркамол авлод” республика болалар марказлари кўрик-танловда ташкилотчи сифатида қатнашади.

4-боб. Кўрик-танлов шартлари ва баҳолаш мезони

13. Кўрик-танлов иштирокчиларининг педагогик маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан 100 баллик тизимда баҳоланади.

14. Ҳакамлар ҳайъати таркибига худудий халқ таълими бошқарув органларининг тажрибали мутахассислари, услубчилар ва тўғарак раҳбарлари жалб қилинади.

15. Ҳакамлар ҳайъати таркибига кўрик-танловда иштирок этадиган тўғарак раҳбари фаолият кўрсатадиган таълим муассасасининг раҳбарлари ва ходимлари аъзо сифатида киритилмайди.

16. Кўрик-танловни ўтказишда юзага келган баҳс-мунозарали масалаларни ҳал қилиш учун биринчи ва иккинчи босқичларда туман (шаҳар), вилоят ва Республика босқичларида 3 кишидан иборат таркибда эксперт комиссиялари тузилади ва мазкур масалалар улар томонидан кўриб чиқилиб, якуний ҳулоса берилади.

17. Кўрик-танлов шартлари:

а) тест топшириқлари - жами 20 та тест. Ҳар бир тўғри жавобга 1 баллдан берилади. Тест саволлари тизимга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тузилади. Битта саволга бир дақиқа вақт ажратилади. Ушбу шарт - 20 баллгача баҳоланади (20 дақиқа вақт ажратилади);

б) амалий машғулот - тўгарак раҳбари 15 дақиқалик машғулот ўтиб беради. Машғулот ўтиш жараёнида тўгарак раҳбари тўгарак машғулотини назарий жиҳатдан пухта билишини, амалиёт билан узвий боғлай олишини, тўгарак аъзолари фаоллигини оширишга қаратилган педагогик маҳоратини, машғулотда илғор педагогик усулдан ва кўргазмали воситалардан фойдаланишини ҳамда машғулот мазмунига миллий истиқлол мафкурасининг сингдирилишини намойиш этиши лозим. Бу шарт - 40 баллгача баҳоланади (*белгиланган муддатдан ўтиб кетса 10 баллгача қисқартирилади*).

Ушбу шартни бажариш учун машғулот ўтишга зарур бўлган хом-ашёлар ва бошқа воситаларни тўгарак раҳбари ўзи билан олиб келиши лозим;

в) Тўгарак раҳбари ўзининг “Баркамол авлод” болалар марказларида тўгарак машғулотларини ривожлантириш Концепциясини ҳакамлар ҳайъати олдида 3 дақиқа давомида ҳимоя қилади.

Концепцияда қуйидагилар акс эттирилган бўлиши лозим:

тўгарак машғулотлари сифатини ошириш бўйича янгича тизими;

ўқувчилар қамровини оширишнинг энг самарали усуллари билан бирини амалиётга жорий қилиш механизми;

жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, тўгаракларни ўтишнинг инновацион услублари;

ушбу шарт - 30 баллгача баҳоланади.

г) тўгарак фаолияти самарадорлиги - тўгарак раҳбари бошчилигида тўгарак аъзоларининг турли тадбирлардаги (кўрик-танлов, фестивалъ, кўргазма ва ҳ.к.) иштироки ва уларнинг натижалари (диплом, фахрий ёрлиқлари ва ҳ.к (асл нусхалари) - 10 баллгача баҳоланади.

5-боб. Ғолибларни тақдирлаш

18. Кўрик-танловнинг биринчи ва иккинчи босқич ғолиблари ва фаол иштирокчилари ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари томонидан тақдирланадилар.

19. Учинчи босқичда ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилган иштирокчилар вазирликнинг махсус диплом ҳамда қуйидаги тартибда ўринлар ва номинациялар бўйича эсдалик совғалари билан тақдирланадилар:

а) 3 та I ўрин, 3 та II ўрин, 3 та III ўрин;

б) қуйидаги номинациялар:

“Бадий ижодиёт йўналишда энг яхши ғоя муаллифи”

“Бадий ижодиёт йўналишда энг билимдон тўгарак раҳбари”

“Бадий ижодиёт йўналишда энг моҳир тўгарак раҳбари”

“Техник ижодиёт йўналишда энг яхши ғоя муаллиф”

“Техник ижодиёт йўналишда энг замонавий тўгарак раҳбари”

“Техник ижодиёт йўналишда энг ноанъанавий тўгарак ишланмаси муаллифи”

“Ўлкашунослик ва экология йўналишда энг яхши ғоя муаллифи”

“Ўлкашунослик ва экология йўналишда энг зукко тўгарак раҳбари”

“Ўлкашунослик ва экология йўналишда энг яхши концепция муаллифи”.

6-боб. Якуний қоидалар

20. Кўрик-танлов натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун уч кишидан иборат Апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси таркиби ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

21. Кўрик-танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар кўрик-танлов якунидан сўнг 15 дақиқа ичида Апелляция комиссиясига мурожаат қилиши шарт.

22. Шикоятлар тақдим этилгандан сўнг Апелляция комиссияси томонидан 1 соат ичида кўриб чиқилиб, асосланган тарзда ўрганиш натижаси шикоятчига эълон қилинади.